БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 190 (681)

26 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Югославияда бўлиши (1-бет).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИ (1-бет).

Хитой Коммунистик партиясининг Умум Хитой VIII съездида (1-бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **Ю. Боҳодиров.** — Хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишлар кучайтирилсин (2-бет).

Улуғ Октябрнинг 39 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олайлик! (2-бет).

ПОЙТАХТИМИЗ МУЗЕЙЛАРИДА. **А. Муҳаммаджонов.** — Ўтмишдан ҳикоя қилувчи экспонатлар (2-бет).

Пахта тайёрлаш планини 20 октябргача бажариш учун! (3-бет).

Жаҳон тинчлик кенгашининг мурожаати (4-бет).

Уч араб давлати бошлиқлари кенгашининг натижалари тўғрисида қўшма баёнот (4-бет).

Миср ҳукуматининг Хавфсизлик Кенгашига мурожаати (4-бет).

Сувайш масаласи тўғрисида Бирма бош министрининг баёноти (4-бет).

Чехословакия миллат мажлисининг сессияси (4-бет).

ГДР президенти В. Пик Чехословак ордени билан мукофотланди (4-бет).

Дўқ қилиш ва зўравонлик сиёсати муқаррар барбод этилади

Яқинда Лондонда давлатлардан бир группасининг сепарат кенгаши ўз ишини тамомлади. Бу кенгаш «Сувайш каналидан фойдаланувчилар уюшмаси» деб аталган уюшмани тузиш проектини муҳокама қилиш учун тўпланган эди. Маълумки, провокацион мақсадда шовқин-сурон кўтариш ва Миср ва Миср ва Миср

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишлар кучайтирилсин

КПСС XX съезди халқ хўжалиги олдига улуғвор вазифаларни қўйди. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда фидокорона меҳнат қилаётган барча совет кишилари қаторида Паркент район меҳнаткашлари ва хотин-қизлари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Галлачилик ва чорвачилик соҳасида юқори кўрсаткичларга эришган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси С. Мирзабоева, Т. Нурматова, Х. Холова сингари ўртоқлар ўз фидокорона меҳнатлари билан районда шуҳрат қозондилар. Районда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида намуна кўрсатиб ишлаётган бундай хотин-қизлар кўп.

Лекин ишлаб чиқаришда катта куч бўлган хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш ҳоллари тез-тез юз бериб турибди. Масалан, район ижроия комитети физкультура ва спорт бўлимининг раиси С. Қаюмов бошқа хотинга уйланиш мақсадида ўз хотини коммунист Гулчеҳра Алимовани икки боласи билан сарсон қилиб қўйибди. Бу ҳол район партия ташкилотига маълум бўлса ҳам ташкилотдаги айрим ўртоқлар бундай кишиларга нисбатан келишувчилик қилиб келаётир.

Райондаги айрим колхозларда хотин-қизлар ўртасидаги фактлар учраб туради. Охунбобоев номли колхозда ишлаётган комсомол аъзоси В. Султонов ўз хотинини бош боласи билан ҳайдаб, бошқа хотин олиш тараддудида юрибди. Султоновга нисбатан на район ва на колхоз комсомол ташкилоти тегишли чора кўрди. Ана шу колхознинг бригадири Бадалов қўшхотинлидир. Бундан кўриниб турибдики, бу колхоз хотин-қизлари ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб борилмаётир. Шунинг учун ҳам колхозда хотин-қизлардан биронта бригада бошлиғи ёки табельчи йўқ.

Райондаги Киров номли, Молотов номли, Энгельс номли колхозларда хотин ustига хотин олувчилар билан колхоз партия ташкилотлари етарли кураш олиб бормаётир. Шунинг натижасида Молотов номли колхозда Ортиқ Зулпиев, Энгельс номли колхозда Бўта Бўритоев, Охунбобоев номли колхозда Бадаловлар хотинларини ёш боласи билан ҳайдаб, сарсон қилиб қўйганлар.

Ёш қизларни ўқишдан қолдириб, эрга бериш ҳоллари районда содир бўлмоқда. Киров номли колхоз аъзоси коммунист Хожимат Фармонов қизининг ёш бўлишига қарамай, уни ўқишдан ажратиб олди ва турмушга чиқарди. Бундай фактлар районда кўплаб учрайди.

Хотин-қизлар орасида ишлаш районда бўшашиб кетгани туфайли кўпгина хотин-қизлар ишлаб чиқаришга актив қатнашмаётирлар. Улар учун тегишли шароит яратиб берилмаётир. Ҳаммадан ачинарлиги шундаки, районнинг ўзидан етишиб чиқаётган хотин-қиз кадрлар жамоат ишига кам тортилаётир. Райондаги 10 йиллик мактабни тамомлаб, ўрта маълумот олган қизларнинг кўпчилиги уйда ўтириб қолмоқда. Сиртқи Пединститутнинг III курсида ўқиётган Тўхта Сайфиеванинг ўзи яшаётган райондаги биронта жамоат ишига тортилмаганлиги ачинарли бир ҳолдир. Ўтган ўқув йилида райондаги ўрта мактабнинг 10- синфини 42 қиз битириб чиқди. Шулардан фақат 2-3 таси олий ўқув юртига жойланиб, қолганлари эса жамоат ишига тортилмай, уйда қолиб кетдилар.

Райондаги кўпчилик колхозларда болали аёллар учун боғча, ясли ташкил қилинмаган. Шунинг учун район марказидаги Сталин номли колхозда 22 та, «Коммуна» колхозида 34 та хотин-қиз дала ишига тортилмай келади.

Районда хотин-қизлар ўртасидаги оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Колхоз ва корхоналар қошида хотин-қизлар совети ташкил этилган. Аммо бу совет номигагина рўйхатда бор. Уларнинг фаолиятини жонлантириш билан жойлардаги партия ва комсомол ташкилотлари жиддий шуғулланмаётирлар. Буни шундан кўриш мумкинки, ўтган 8 ой давомида райондаги биронта бошланғич партия ташкилотида хотин-қизлар советининг иши муҳокама қилинмаган. Район хотин-қизлари ўртасида оила ва тарбия темаларида, шунингдек сиёсий ҳам иқтисодий темаларда лекция ва докладлар ўтказилмаётир.

Ўтган район партия конференциясида хотин-қизлар ўртасида ишларни кучайтириш, уларнинг активлигини ошириш масалалари муҳокама қилиниб, конкрет тадбирлар белгиланган эди. Афсуски, бу нарса қоғозда ёзилганича қолиб кетди. Аксинча, баъзи раҳбарлик ишларида ишлаётган хотин-қизлар номли колхозда ферма мудири бўлиб ишлаб келган Раҳима Мирзаевани, Киров номли колхозда бригадирликдан олинган Олима Обидовани мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Колхозлар ва қишлоқ советлари раислигига биронта ҳам хотин-қиз сайланмаган. Райондаги 22 та мактабнинг биттасида ҳам директор ёки илмий бўлим мудири бўлиб ишловчи маҳаллий хотин-қизни учратмайсиз.

Паркент район партия комитети бюросида хотин-қизлар ўртасида ишларни кучайтириш масаласи кўпдан бери муҳокама қилинмай келади. Район партия комитети хотин-қизлар билан ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ А. Иброҳимова хотин-қизлар ўртасида ишларни сусайтириб юборган. Район партия комитети партия конференциясида белгиланган тадбирларни амалга ошириб, хотин-қизларнинг жамоат ишларидаги активлигини кучайтириши лозим.

Ю. БАҲОДИРОВ.

Кўргазмали агитация ёрдамида

Янгийўл консерва заводининг партия ташкилоти корхонада оммавий-сиёсий ишларни, айниқса, кўргазмали агитацияни кучайтиришга катта эътибор бермоқда.

Корхонада 26 кишилик агитаторлар коллективи ишлаб турипти. Агитколлектив раҳбари ўртоқ Круподеров агитаторлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб турибди.

Корхонанинг ҳар бир цехида кўргазма тахтаси, диаграммалар ташкил этилган бўлиб, уларда цех коллективи олган мажбурият ва кундалик графикнинг бажарилиши қайд этилаётир. Партия ташкилоти кўргазмали агитациянинг хилма-хил формаларидан усталик билан фойдаланмоқда. Бунда коллективнинг маҳсулот таннархини камайтириш, унинг сифатини яхшилаш мақсадида социалистик мусобақани кучайтириш учун курашга кенг сафарбар этувчи чақириқларга кенг ўрин берилаётир. Ҳар ер-ҳар ерга осиб қўйилган ва ҳамманинг эътиборини жалб этаётган «Маҳсулот таннархини 1 процент камайтириш давлатга 318 минг сўм фойда келтиради» деган ва бошқа чақириқлар шулар жумласидандир.

Ишлаб чиқаришда эришилаётган ютуқлар «Молния», «Крокодил» ва деворий газеталарда ёритилмоқда, камчиликлар ташкид қилинмоқда. Завод коллективи ўртасида оммавий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги корхонада ишлаб чиқариш планларининг муваффақият билан бажарилишини таъминламоқда.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Агитаторлар ёрдами билан

Шу кунларда Бўстонлиқ районидаги Маленков номли колхознинг пахта далаларида иш авжига чиққан. Етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш қизғин давом этаётир.

Колхоз партия ташкилоти теримчиларнинг ижодий ташаббусини ошириш, уларнинг унумли меҳнат қилиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётир. Бригадаларда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг эътибори ана шу мақсадга қаратилган. Агитаторлар ҳар бир теримчини кўпроқ ва юқори сифатли пахта теришга чақирмоқдалар.

Колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда колхоз партия ташкилотига колхоз қишлоғидаги Киров номли ўрта мактаб ўқитувчилари яқиндан ёрдам бераётирлар.

Мактаб бошланғич партия ташкилоти коммунист ўртоқ Ш. Рисбоев бошчилигида бир группа ўқитувчиларни бригадаларга бириктириб қўйди. М. Жармуҳамедов, С. Сайдалиев, Т. Абдуғаппоров, Ҳ. Эрматов ўртоқлар ўзлари бириктириб қўйилган бригадаларда оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда колхоз партия ташкилотига катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Э. ТУРКМЕНОВ.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Чирчиқда кутубхона ходимларининг шаҳар йиғилиши бўлди. Шаҳар кутубхоналарининг мудирлари, ходимлари кенг китобхонлар орасида олиб бораётган оммавий-сиёсий ишлари, китоб пропагандасини яхшилаш соҳасида эришган ютуқлари ҳақида гапирдилар. Йиғилиш Бўстонлиқ районидаги кутубхоналарнинг ходимларига ўз тажрибаларини ўргатиш, уларнинг ишига амалий ёрдам бериш мақсадида шаҳарнинг энг яхши кутубхоначиларидан 5 кишини ажратди. Шаҳар марказий кутубхонасининг ходимларидан Н. Дубинина ва И. Филипова ўртоқлар Бўстонлиқ район марказида бўлиб, кутубхоначиларга ёрдам кўрсатдилар.

Т. Сихарулидзе.

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхозда 24 хоналик мактаб биноси қурилиб ишга туширилди. Ҳозир янги мактаб биносида 600 бола фан асосларини эгаллямоқда. Мактаб кўргазмали ўқув қуроллари, керакли инвентарлар билан таъминланган.

Т. Ғаниев.

Чиноз районидаги Пушкин номли ўрта мактабда рус тили ва адабиётидан дарс бераётган кекса педагог Маргарита Васильевна Гришинага яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган фахрий унвон берилди. Ўртоқ Гришина 33 йилдан бери педагоглик қилиб келмоқда. Яқинда Пушкин номли мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ишчиларнинг ўз ишларини — ҳунар ўрганишга меҳр уйғонган эди-да. Илк муҳаббат хислари киши қалбида қанча кучли бўлса, унинг ҳунар ўрганишига — меҳнат қилишга бўлган илк интилиши, туйғуси ундан қолишмас экан...

Колесникова дастлабки кунларда қурилишдаги майда-чуйда ишларни бажариб юрди. Унинг иш жойи автокранлар ишлаб турган участкага анча яқин бўлгани учунми, бу ерга тез-тез келиб турар ва баҳайбат машинанинг шовқин-суроёсиз ишлаётганлигини мароқ билан кузатиб турарди. Салобатли ва мураккаб машинани ўз ҳоҳишига бўйсундириш Лиданинг кўпдан буён ортдоқлаб келаётган орзуси, мақсади эди. Ана шунинг учун бўлса керак у доимо автокран атрофида гирдикапалак бўлиб юрарди.

Орадан кўп ўтмай, автокран бошқарувчисига шогирд қилиб тайинланди. Лиданинг қувончи ичига сиғмас эди.

Лида Григорьевна мураккаб машинани идора қилиш осон эмаслигини биларди. Лида механизмларнинг нозик ва тоят кўплитини кўриб чўчимади, балки уларни қунт билан пухта ўрганишга киришди. Шунинг учун ҳам кечалари тинмай китоб ўқир, кундузи эса автокран олдидан бир зум ҳам жилмай, механизмлар ҳаракатини зеҳн билан кузатиб борарди.

Унинг тер тўкиб қилган меҳнатлари зойи кетмади. Орадан икки ой ўтмай, Лида автокранни мустақил бошқаришга ҳуқуқига эга бўлди.

Участкада ишлаётган бинокорлар Лиданинг чаққон ҳаракат қилиб қурилиш материалларини иш жойларига ўз вақтида тўла етказиб бераётганлигидан доим мамнун эдилар. Моҳир қранчи смена нормасини ҳар доим ортиғи билан бажариб, коллектив ҳурматига сазовор бўлди.

Бироқ бу ютуқлар Лидани қаноатлантирмаси. «Нормани ҳар ким ҳам астойдил меҳнат қилса, ортиғи билан бажара олиши мумкин» дер эди у ўз-ўзига. У меҳнат унумдорлигини кескин ошириш ҳамда механизм имкониятларидан максимал фойдаланиш учун прогрессив иш методларини қўлланиш йўлларини қидирар эди. Тинмай меҳнат қилиб, ўқиш, ўрганиш ўз самарасини берди. Лида юк кўтаришнинг янги усулини топди. Бу ишда у газетада босилган бир мақоладан фойдаланди. Мақола автори —экскаваторчи қандай қилиб циклларни бирлаштиришга эришганлиги ҳақида ҳикоя қилган эди. Лида бу методни автокранда ҳам қўлланиш мумкинлигига қатъий ишонди. Чунки экскаватор билан автокран ўртасида конструкция жиҳатидан деярли фарқ йўқ. Фақат бирига ковш, иккинчисига трюк ўрнатилган, холос...

Кўп ўтмай, Лида янги иш методини тажрибада синаб кўрди. Даставвал у анча қийинчиликларга дуч келди. Чунки янги усул ричаг ва педаллларнинг аниқ ва тез бошқарилишини талаб қилар эди. Лиданинг қўллари ҳали бундай тез ҳаракат қилишга одатланмагани учун у анча пошиб қолди, меҳнат унумдорлигини ошира олмади. Лекин Колесникова чидам ва сабот билан янги методда ишлайверди. Бир неча кундан сўнг моҳир қўллар машина ричагларини бемалол чаққон идора қила бошладилар. Энди ердан кўтарилган трюк аввалгидек бурчак ҳосил қилиб эмас, балки эгри чизиқ бўйлаб керакли томонга тезлик билан бурилмоқда эди. Илгари бир цикл учун уч минут вақт сарфланган бўлса, энди бу процесс учун бир ярим минут кифоя қилаётир.

Меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш — катта ғалаба! Лекин Лидия Григорьевна Колесникова бу ютуқ олдида маҳлиё бўлиб қолмаётир. У аввалгидек ҳозир ҳам камтар ва меҳнатсевар. Ана шу ажойиб фазилатлари учун уни Олмалиқдаги механизация базасининг ишчилари доимо иззат-ҳурмат қиладилар.

Н. ГОРОДНИЧЕНКО.

Улуғ Октябрнинг 39 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олайлик!



Зуборезчик ўртоқ Маҳмуд Ниёзов Тошкентдаги экскаватор заводида кўп йиллардан буён ишлайди. У смена нормасини 300-350 процентга етказиб бажармоқда. **Суратда:** моҳир ишчи ўртоқ **Ниёзов** ўз станоги ёнида.

А. Палехов фотоси.

Севган касбда

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига ҳа демай икки йил тўлсада, Лидия Григорьевнанинг хотиридан сирасира кўтарилмайди. Ахир ўша кунинг калбида меҳнат қилиш ва ҳамма ишларнинг ҳаётимизда ҳаммадан ҳурматлидир, ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучидир, ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучидир, ҳаётимизнинг ҳаракатлантирувчи куч

ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ 20 ОКТЯБРГАЧА БАЖАРИШ УЧУН!

Янги ердаги икки колхоз мусобақаси

Боёвут районидаги Молотов номли, Карл Маркс номли мусобақадош колхозлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 39 йиллигини меҳнат соҳасида зўр муваффақиятлар билан кутиб олиш учун шу кунларда пахта териш ва тайёрлаш суръатини ҳар қачонгидан ҳам жадаллаштириб юбордилар.

Янги ерда ташкил топган бу илғор колхозларнинг аъзолари етиштирилган мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиштириб олиш учун курашаётирлар. Молотов номли колхоз аъзолари социалистик мусобақада олдинда кетаётирлар, Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари эса ўз мусобақадошларига етиб олиш ва ҳатто ўзиб кетишга ҳаракат қилмоқдалар.

Қуйида биз шу иккала мусобақадош колхоз ишлари тўғрисида материал босаётирмиз.

ЧЎЛДАГИ ЮЛДУЗЛАР

Мирзачўл бўйлаб юрган киши билади — бу воҳанинг қанчалик поёнсиз, битмас-туганмас бойликка эга эканлигини. Гоҳ қуп-қуруқ чўл бўйлаб кезасиз, гоҳида ана шу чўл тугаб, пахтазорлар, қовун-тарвуз пайкаллари, узум боғларига дуч келасиз. Улуғ Ленин имзо чеккан Декретда кўрсатилган ишлар бугун салобатли қанот ёзмоқда. Экскаваторлар узун ва қудратли стреласини чўзиб, чўлдан халқ учун манфаат келтиришни талаб қилмоқда, ҳозир у зўр техникага қайсарлик қилаётган чўлнинг бағрини ёриб асир этаётибди. Йиллар ўтиши билан Мирзачўл воҳаси устида туя ўркачи сингари тупроқ уюмлари кўпаймоқдаки, бу ана шу поёнсиз воҳанинг бутунлай бўйсундирилаётганлигидан далолат бериб турипти.

Исмига жисми тўғри келмай қолган ҳозирги Мирзачўл бўйлаб жануб томон бормоқдамиз. Бултур ва ўтган йилларда бийдай чўл бўлиб ётган сахро устида янги иморатлар қад кўтарипти, ёш дарахтлар барг ёзиб, бу атрофни шифобахш қилиб юборипти. Ўтган йилларда Мирзачўлдан то Ховосга боргунча икки тарафдаги поёнсиз чўлга тикилавериб кўз чарчарди, кишини мудроқ босарди. Энди Мирзачўлдан ўтишингиз билан ўша кўз чарчатувчи чўл ўзлаштирилиб, Булганин номли совхоз ташкил қилинган. Совхознинг бир хилда қурилган иморатларини кўриб қувонасиз. Баҳодир совет кишиларининг меҳнатига, раҳбарлигига, шижоатига таҳсин ўқийсиз. Бу қишлоққа қишлоқлар туташишини кўриб турибмиз. Келгуси йилларда Булганин номли совхознинг посёлкаси ёнига кўшни совхозларнинг посёлкаси тушиши партия ва ҳукуматимизнинг қарорида баён этилган.

Шу катта йўл бўйлаб юришда давом этамиз. Ўнг томонда, анчагина ичкарида 4-«Боёвут» совхозининг посёлкалари кўринади. Ундан нарироқда, йўлнинг икки томонида зах сувлар тўпланиб, кўл ташкил этган. Ҳозир баҳодир механизаторларимиз жуда катта майдонни эгаллаб ётган ана шу кўлни қуритиш, унинг зах сувини Марказий Мирзачўл коллекторига оқизиб юбориш тараддудини кўрмоқдалар.

Мирзачўл воҳасига қанча ичкарироқ кириб борганимиз сари, бу ердаги асосий ишларни техника ҳал қилаётганлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Илгари янги ерларни ўзлаштириш, каналлар қазишда юзлаб, минглаб кишилар ишлаганини кўрардик. Энди битта экскаватор ёки битта бульдозер қанча-қанча кишининг ишини бажармоқда. Ана шу зўр техниканинг кучига ишонган кишиларимиз Мирзачўл ерларидан яқин келажакда 200 минг гектар ерни суғориш ва ўзлаштиришга жазм қилдилар.

Боёвут районида Карл Маркс номли, Молотов номли колхозлар ҳақида гап борганда, чўлни гулистонга айлантираётган азаматлар шу ердада, дейишади. Бу иккала колхоз кўчиб келмасдан илгари қаёққа қарасангиз, поёнсиз чўл ҳувиллаб ётарди. Дастлабки пайтда келганлар чўлнинг қаҳр-ғазабини кўриб, чўчидилар. Аммо мамлакат бойлигини оширишни дилларига жо қилиб олган фидокор кишилар чўлни бардош билан енгдилар. Дастлабки пайтда жуда оз ерларга экин экилди, кейинчалик экин майдонлари чўлни кўпроқ босиб бораверди. Мана ҳозир шу иккала колхозда 2040 гектар пахта майдони бор. Колхозлар ўзларининг мевазор боғларига, узумзор, анжирзор, анорзорларига, чамандек қулиб турган гулзорларига эга.

Бу ерларда бўлган киши ана шу колхоз ва совхозларни кўриб, чўлда яшнаб, нур сочиб турган юлдузлардек тасаввур қилади. Дарҳақиқат республикамиз картасини сариқ бўёққа бўяб ётган қадимий чўллар ўзлаштирилиб, кўзни қувонтирувчи яшил бўёқлар республикамиз картасини бўяши аниқ! Катта ишга қўл урган азамат кишилар чиптa ямоқни сидириб ташламоқдалар, чўлни шоҳи сўзанадек безамоқдалар.

Боёвут — Мирзачўлнинг дарвозаси дейдилар. Бу жуда тўғри. Шу ерда қурилган Боёвут каналининг суви котлованда ҳар томонга қараб оқиб бормоқда. Боёвугликлар Мирзачўлнинг дарвозаси ҳамма вақт очиқ, у ўзининг янги баҳодирларини, чўлни суғориш ва ўзлаштиришга аҳд қилган азамат йигитларини, ишчан қизларини ўз қучоғига чорламоқда деяптилар. Яна бир-икки йилдан кейин ҳозирги вақтда қақраб ётган, халқ учун, мамлакат учун заррача фойда келтирмаётган қанчадан-қанча унумдор ерлар гулистонларга, бўстонларга айлантирилади. Мирзачўл воҳаси устида Ильич нурлари ҳамма ёқни мунаввар қилади, қадимий чўллар халқ учун, мамлакат учун фойда берувчи улкан манба бўлиб қолади.

БАРАКАЛИ ХИРМОНЛАР

Боёвутдан Бекобод сари олиб борувчи катта йўлнинг чап томонида Молотов номли колхоз ерлари ястаниб ётипти.

Барака — мўл-кўлчилик, Деҳқон ўз пайкалидан барака бўлиб биттан ҳосилни топиб олгудай бўлса, уни кўзига суртиб, чеккасига қистиради, ҳосилнинг мўл бўлганлигига ишонч ҳосил қилади.

— Қайси қаторни ораласангиз, барака кўсак топасиз, — дейди Молотов номли колхоз раиси Турсунбой Латипов, — бу йил ҳосил нақоқ бўлдики, ер бизнинг ҳаламларимизда пахта кони очилди. Ҳозиргача йиллик планни 50 процентдан оширган бўлсак ҳам, далаларимизда пахта терилмагандек чаман бўлиб ётипти.

Карл Маркс номли колхознинг чевар теримчиси **А. Меҳмонова.**

Раис айтганича бор. Колхознинг 1225 гектарли пахта майдонини айланган киши ҳосилнинг жуда мўл бўлганлигини кўради. Колхоз ўтган йили шу вақтга нисбатан пахта тайёрлашда 24 процент олдинда кетаётир. Илғор бригадалар, звеноларнинг, йиллик пахта тайёрлаш планини 3-4 кундан кейин бажармиз, деб астойдил курашмоқдалар. Усар Тўйчиев, Турди Маматқулов, Турдибек Эрбеков, Жамолхон Латипов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда кунига йиллик планнинг 3-3,5 процентини миқдорида, ҳатто бундан ҳам кўпроқ пахта тайёрланаётир.

Қайси бригада ва звено хирмонида бўлсангиз, пахта ғарамларига, машина ва араволарга ортилаётган қанорларга кўзингиз тушади. Ҳозиргина хирмондаги пахта пунктга жўнатилиб, катта майдон бўшаб қолса, яна бироздан кейин хирмон яна пахтага тўлади. Пахтадек оппоқ соқолли мўйсафидлар паншаха билан «оқ олтин»ни меҳр қўйиб ағдарадилар. Ҳамон сахийлик билан нур сочиб турган қуёш пахтанинг мағзини қуритади. Бир сиқим пахтани олиб, унинг чигитларини эзиб кўрадилар, шундан кейин пахта қанорларга солинабошлайди.

Ҳозир қишлоқдаги кексалар ҳам, ёшлар ҳам, машинасини пахтазорда гувуллатиб юрган механизаторлар ҳам ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ва уни давлатга топшириш ҳаракатидалар. Бир ерда 5 минут тўхтаб туриш мумкин эмас. Қаёққа қарасангиз, жўшқин меҳнатни кўрасиз. Ўзлари етиштирган ҳосилнинг баракали бўлаётганини кўрган колхозчилар, механизаторлар ғайратга-ғайрат қўшмоқдалар. Ана шу йирик колхоз кун сайин кўпроқ келтираётган пахтадан давлат қабул пунктидаги бунтлар тобора улканлашмоқда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти барча пахтакорларга мурожаат қилиб, пахта тайёрлаш йиллик планини 20 октябргача бажарайлик, деди. Колхозчилар, механизаторлар бу чақириққа жавобан шу кунларда терим суръатини янада кучайтириб юбордилар. Далада ишлаётган 500 дан ортиқ колхозчи ҳар куни ўртача 90-100 килограммдан пахта термоқда. Шофёрлар, аравакашлар ҳам кундалик нормаларини 1,5-2 ҳиссага етказиб адо этаётирлар.

— Планни айтилган муддатда бажариш учун барча имконият бор, — дейди раис, — негаки, бундан 4 кун илгари далаларимизда 20 та пахта териш машинаси ишлай бошлади. Шунга қадар 1,8-2 процентдан пахта топшириб келган бўлсак, ҳозир 2,8-3 процентга етказиб пахта тайёрлаяпмиз. Терим машиналарини бошқарувчилар, бундан кейин ишни янада яхшилаймиз, сизларни уялтириб қўймаслик учун курашамиз, деб ваъда қилдилар. Мўл ҳосил етиштиришда биз билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилган механизаторларимиз, энди ана шу ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишда ҳам бизга кўмаклашмоқдалар. Биз уларнинг меҳнатидан чексиз миннатдормиз.

Мавсумда 10-15 минг килограммдан пахта теришга аҳд қилган 178 колхозчи шу кунларда меҳнат соҳасида намуна кўрсатаётир. Чевар қизлар, пахта теришга омил бўлиб қолган йигитлар табель дафтаридаги рақамни кун сайин оширмоқдалар. Назир Аширматов, Қурбоной Абдиева, Бердибой Турдиалиев, Мелиҳол Мадалиев сингари кўп пахта теришда ном чиқарган йигитлар ва қизлар дастлабки кунларда 80-90 килограммдан пахта терган бўлсалар, ҳозир кунига 250-300 килограммга етказиб пахта топширмоқдалар.

Колхознинг Жамолхон Латипов бошлиқ бригадасида бўлдик. Бригада аъзолари бу ютуқ билан қаноатланиб қолмадилар, мағрурланмадилар. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан ҳар гектар ердан 4 центнердан кўп — 40 центнердан ҳосил етиштириш учун йил бўйи фидокорона меҳнат қилдилар. Ҳозир шу бригаданинг хирмонида туриб, колхозчиларнинг ана шу фидокорона меҳнатлари туфайли бунёдга келган ҳосил қанчалик мўл бўлганлигини аниқ пайқаб олдик. 65 гектар пахта майдонига эга бўлган шу бригада ҳозиргача 100 тоннага яқин пахта топширипти. Бир бригаданинг топширган пахтаси ҳали план 100 бўлмасдан шунча! Янги ер битмас-туганмас ҳосил манбаи эканлигини кўрсатувчи бу рақам кишини қувонтиради. Бригада аъзолари гектаридан 40 центнердан пахта топшириш тўғрисидаги мажбуриятларини шараф билан бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бу йил Жамолхон Латипов бошлиқ бригада пахтадан салкам бир миллион сўм даромад қилади. Партия ва ҳукуматимизнинг янги қарори туфайли пахтакорларнинг даромади яна кўпаяди. Шу бригаданинг аъзоси Норбек Аноркулов оиласи устама мукофотдан ташқари 25 минг сўм пул ва 38 центнер ғалла олади. Ғаниқул Ғозиев, Ботир Худойбердиев, Исоққул Назаров сингари колхозчилар ҳам шу хилда кўп пул ва ғалла оладилар.

Пахта — ўзбек халқининг ифтихори, миллий бойлиги эканлигига тўла тушунган колхозчилар ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаётирлар. Колхоз қишлоғидаги кўчаларда, пайкаллар четидаги дала йўлларида тўкилган пахтани териб олиш учун махсус яшиклар ўрнатилган. Бир грамм пахта ҳам нобуд бўлмасин деган сўз, қишлоқдаги каттадан-кичиккинг қалбидан жой олган.



Молотов номли колхознинг звено бошлиғи **П. Шодиев.**

Юқорида айтилганидек, ҳозир колхозда 20 та пахта териш машинаси ишлаб турипти. Механик-ҳайдовчилар ўз агрегатларидан тўла ва унумли фойдаланиб, кун сайин кўпроқ пахта териш учун ҳаракат қилмоқдалар. Колхоз бу йил машина билан 400 гектар ердаги пахтани териб олишни мўлжаллаган. Ўз нормасини 2-2,5 баравардан ошириб бажараётган илғор механик-ҳайдовчи Тўрақул Ҳолиқов, Мурод Алиев ўртоқлар барча пахтакорларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Улар ишлаётган далада пахта ерга кам тўкилмоқда, ғўза тупларидаги пахталар тоза териб олинаётир.

— Машинанинг қанчалик яхши пахта териши механик-ҳайдовчининг эътибор билан ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ, — дейди Тўрақул Ҳолиқов. — Қаторга тушгандан кейин машина қандай пахта тераётганлигидан ҳамма вақт кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Машинанинг сал бўлса ҳам ўринсиз бурилишига ёки шпинделларнинг ғўза кўкати билан тўлиб қолишига йўл қўймаслик зарур. Қатордаги сал тирсак бўлиб чиққан жойларга келганда, алоҳида эътиборли бўлиш талаб қилинади. Агар шундай ерлардан ҳам тўғри ўтиб кетиладиган, 10-15 тун ғўзадаги пахта тераилмай қолади, шу билан бирга унинг кўп қисми ерга тўкилади. Шпиндели вақти-вақтида ювибтозалаб туриш зарур, акс ҳолда шпиндель тишлари ғўза кўкатига тўлиб, пахтани яхши тортолмай қолади, демак ҳосил нобуд бўлади.

Мен бунга йўл қўймаган ҳолда то йиғим-терим охиригача машинамнинг яхши ишлашини таъминлайман. Мавсумда 80 тонна пахта териб бериш тўғрисидаги мажбуриятимни шараф билан бажариш учун курашаман.

Колхоз партия ташкилоти ҳар бир бригадага билимдон агитаторларни тайинлаган. Агитаторлар илғор колхозчилар ва механизаторларнинг иш тажрибасини кўпчилик ўртасида оммалаштириб, умумий юксалишга эришишни таъминламоқдалар. Колхоз агитаторлари бу йил республикамиз бўйича 3 миллион тонна пахта етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир колхозчининг, ҳар бир механизаторнинг жонажон иши эканлигини ўз суҳбатларида баён қилиб бермоқдалар. Далаларда чиқарилаётган «Жанговар варақа»ларда яхши ишлаётганлар мақталиши билан бирга, айрим дангаса ва ишёқмаслар танқид қамчиси билан саваланаётир. Қишлоқ ўқитувчилари энг яхши агитатор ҳам ҳисобланадилар. Остонақул Тўрақулов, Назрулла Жумаев, Тўра Хўжаев, Насриддин Нуриддинов сингари ўқитувчи-агитаторлар илғор иш методларини пропаганда қилиш билан бирга, пахта териш ва тайёрлашда орқада қолаётган, бригада, звеноларда йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташламоқдалар.

Колхозда чиқарилиб турган «Коммунизм сари» деворий газетасида Парда Хўжаев бошлиқ бригаданинг дастлабки кунларда орқада қолаётганлиги аниқ мисоллар билан танқид қилинди ва бригада аъзоларига ҳамда бригада бошлиғига йўл қўйилаётган камчиликлар бирма-бир кўрсатиб берилди. Парда Хўжаев бригадасининг аъзолари деворий газетанинг танқидидан тўғри хулоса чиқардилар, ишни яхшилаш учун курашдилар. Мана, ҳозир бу бригада пахта териш ва тайёрлашда илғор бригадалар билан бир қаторда олдинда кетаётир.

Молотов номли колхоз аъзолари йиллик пахта тайёрлаш планини узоғи билан 20 октябргача бажариш мажбуриятини олган эканлар, бу мажбуриятни тўла адо этиш учун улар шу кунларда зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилаётирлар. Кўпминг килограммчилар, уста механик-ҳайдовчилар терим суръатини кун сайин оширмоқдалар. Хирмондаги мўйсафидлар, чаққон шофер ва аравакашлар бир минут вақт ҳам бекорга ўтмасин деб, янада жадад ишламоқдалар. Колхоз яслиларида болаларни тарбиялаётганлар, дон қозонларда колхозчилар, механизаторлар учун мазали овқат пишираётган ошпазлар ҳам ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишни, бу ишга ўз ҳиссаларини қўшишни мўлжаллайдилар.

Колхознинг ҳар бир аъзоси пахта тайёрлаш планини барвақт ва муваффақиятли бажариш, мамлакатга пландан ташқари кўп пахта топшириш учун курашар экан, бу — янги ерлик ватанпарварларнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигига муносиб совғасидир.

УНУМДОР ДАЛАЛАР ВА ФИДОКОР КИШИЛАР

Молотов номли колхоз билан Карл Маркс номли колхоз ўртасига Боёвут районининг бинолари жойлашган. Шу иккала колхоз янги ерга кўчиб келгандан бери бир-бири билан мусобақадош. Бу социалистик мусобақа ҳатто янги ерга кўчиб келмасдан илгари, ҳали Ҳовос районининг юқори зонасида галлачилик билан шуғулланаётган вақтдан бери мавжуд. Иккала колхоз аъзолари чўлни бўйсундиришга отланганларида, ҳосилни оширамиз, пахта майдонини кенгайтирамиз, деб қўл олишган эди. Мана, орадан 7 йил ўтди. Улар айтган гапларини бажармоқдалар. Карл Маркс номли колхоз янги ерга кўчиб келган 1949 йилда 70 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 17 центнердан ҳосил олган эди. Энди шу колхознинг пахта майдони 815 гектарга, умумий экин майдони эса 1200 гектарга етди. Колхозчилар бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта йиғиб олиш учун курашаётирлар.

Колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Юсуфжон Ҳожибеков янги ерларни ўзлаштиришда чарчаш нималигини билмай меҳнат қилаётган азамат кишилар, уларнинг пахта ҳосилини ошириш тўғрисидаги ажойиб мақсадлари тўғрисида гапириб берди.

— Янги ерга кўчиб келганимизда чигит қандай экилади-ю, пахта қандай битади билмас эдик, — кулиб дейди раис. — Ўша вақтда айрим кишилар пахтачиликни эплай оларминкимиз, деб иккиландилар ҳам. 70 гектар ерда пахта ўстириб 500 минг сўмдан ортиқ даромад қилдик. Ҳамма вақт галлачилик билан шуғулланиб келган кишиларимиз оз ерга пахта экиб, шунча катта даромад олганларидан кейин, ерларни кўпроқ ўзлаштиришга ва пахта ҳосилини кескин оширишга ҳаракат қилдилар. Янги ерларни ўзлаштиришда юз берган қийинчиликларни фидокорона меҳнат билан енгдик. Мана ҳозир бирор киши ҳам қийинчиликлар ҳақида гапирмайди. Ўша вақтда ертўлаларда ўтирган бўлсак, ҳозир 400 дан ортиқ янги типда уй қурилди, қишлоғимиз тўла электрлаштирилди, клуб, кутубхона, ўрта мактаб ва шунга ўхшаш маданий-оқартув бинолари пахтакорлар хизматида.

Колхоз экономикаси йил сайин юксалаётгани сари колхозчиларнинг ҳаёти шунча яхшиланмоқда. Колхоз қишлоғи сўнгги 2-3 йил ичида шунчалик ўзгариб кетдики, ҳозир бу ерга келган киши қадимда чўл бўлганини ҳеч ишонмайдиган бўлиб қолади.

Колхозда социалистик мажбурият олдингми, уни албатта бажар деган шиорга ҳар бир колхозчи, механизатор тўла амал қилмоқда. Теримчилар кундалик нормаларини 1,5-2

Молотов номли колхознинг бригада бошлиғи **Ж. Латипов.**

ва ундан ҳам ошириб адо этаётганликлари учун звеноларга, бригадалар белгиланган графикни ошириб бажармоқдалар. Даврон Рўзиев, Ризо Ҳолмуродов, Армон Давронов ўртоқлар бошлиқ бригадалар социалистик мусобақада голиб чиқиш, йиллик пахта тайёрлаш планини 1 октябргача шараф билан бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Бу бригадаларнинг аъзолари нормадаги 70 килограмм ўрнига ўртача ҳар куни 120-140 килограммдан пахта тераётирлар.

Уста пахтакорлар бошчилик қилаётган звеноларда мўл ҳосилни тез ва сифатли ҳеч ишонмайдиган бўлиб қолади. Ҳозирги қизғин кунларда кўпминг килограммчилар ҳаракатининг ҳар тарафлама кучайганлиги пахта териш ва тайёрлаш графигини ошириш имкониятини бераётир. 400 теримчидан 85 киши мавсумда 10-15 тоннадан пахта теришга қарор қилган. Мана шу чевар теримчилар ўзаро мусобақалашиб ишлаб, кундалик нормаларини анча ошириб бажараётирлар. Қандинисо Йўлдошева, Ривоят Тўймуродова, Ҳосият Тиллаева сингари 50 дан ортиқ теримчи ҳар куни ўрта ҳисоб билан 200-250 килограммдан пахта термоқдаки, бу факт колхозда йиллик планнинг 20 октябргача тўла бажарилишини исботлаб турипти.

Колхозда ҳар 5 кунда қилинган иш якунланиб, илғорларга кўчма Қизил байроқ ва мукофотлар бериб турилади. Илғорликни қўлга киритаётган теримчилар, бригада ва звеноларга суръатга яна суръат қўшадилар. Колхозчиларга ўз вақтида пул ва ғалла авансларининг берилаётганлиги пахтакорларнинг янада унумли ишлашида катта роль ўйнаётир. Кейинги 20 кун ичида фақат пахта тераётган колхозчиларга аванс тариқасида 124 минг сўм пул берилди.

Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари ўз мусобақадошлари Молотов номли колхозга етиб олиш, улардан ўзиб кетишга ҳаракат қилаётган шу кунларда Молотов номли колхоз аъзолари ҳам пахта териш ва тайёрлаш суръатини сира бўшаштирмай йиллик планни ўз мусобақадошларидан олдин, юқори сифатли пахта топширган ҳолда бажариш учун барча имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланмоқдалар.

Янги ердаги икки колхоз мусобақаси шу кунларда жуда қизғин туса кирган. Ҳар куни кечқурун бу колхозларнинг раислари пахта тайёрлаш пунктига телефон қилиб, қайси колхоз қанча пахта топширганлигини билиб олишга ошиқадилар. Улар кечқурунги ўтказилган нарад йиғилишларида мусобақадошлари нима қилаётганликларини ўз активларига сўзлаб берадилар. Агар қайси бир колхоз ҳатто бир сотик орқада қолгудай бўлса, ана шу колоқлик сабаблари дарров текширилиб, аниқланади. Кечагина нисбатан озроқ пахта топширган бригада ва звено бошлиқларидан эртасига суръатни кучайтириш талаб этилади. Шундай қилинаётганлиги сабабли мусобақадош ҳар иккала колхоз ҳам сентябрнинг сўнгги кунларида 2,5-3 процентга етказиб пахта тайёрлаётир.

Янги ердаги икки колхоз мусобақасида бу колхозларнинг коммунист ва комсомоллари етакчи ҳамда авангард бўлмоқдалар. Коммунистлар раҳбарлик қилаётган бригада ва звеноларда ҳар куни кўп ва юқори сифатли пахта теримоқда. Карл Маркс номли колхознинг аъзолари, коммунист Нурбой Оқбеков, Абдуназар Каримов, Жўрабой Шерматов ўртоқлар пахта теришда шахсан ўзлари намуна кўрсатаётирлар. Шу билан бирга коммунист ва комсомоллар пахтакорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда колхоз партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Коммунист — агитаторлардан Пайванди Худойбердиев, комсомол аъзоси Эгамназар Абдужабборов, Ўроз-бой Абдураззоқов ўртоқлар колхозчилар ўртасида сиёсий агитация ишлари олиб бормоқдалар.

1225 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил топшириш учун курашаётган Молотов номли, 815 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта топширишга қарор қилган Карл Маркс номли мусобақадош колхозлар бу йил она-Ватанимизга ҳар қачонгидан ҳам кўп пахта етказиб бериш тўғрисидаги социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришда Боёвут районидаги бошқа колхоз ва совхозларга намуна кўрсатаётирлар. Бу колхозларда ишнинг ташкил қилиниши шуни кўрсатадики, агар райондаги бошқа совхоз ва колхозлар ҳам йиғим-теримда шу колхозлардагидек иш олиб борсалар, район бўйича ҳар куни 2 процентдан ошириб пахта топшириш мумкин.

Мирзачўл ерларини ҳосилдор пахта далаларига, мевазор боғларга айлантираётган ана шу колхозлар келажакда янада гуллаб-яшнайди. Уларнинг мамлакатга етказиб бераётган юзлаб тонна пахтаси Улуғ Октябрьнинг 39 йиллиги кунига муносиб совғадир!

Акмал ПУЛАТ,
С. МАХКАМОВ.





Янги ерни суғориш ва ўзлаштиришда қаҳрамонларча меҳнат қилаётган пахтакорлар ҳозирги кунларда ана шу ерлардан мўл пахта ҳосили йиғиб олмоқдалар. **Суратда** (чапдан): 1. Молотов номли колхознинг кунига 200-250 килограммдан пахта тераётган аъзоси **Т. Ражабова.** 2. Шу колхознинг 2- бригадасида механик-ҳайдовчи **А. Эшонқулов** пахта тераётир. 3. Молотов номли колхознинг 11-бригадасида пахта териш пайти. Биринчи қаторда (чапдан) **К. Норбекова ва Б. Аноркулова** ўртоқлар. 4. Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи **Д. Хонимқулов.** Унинг звеноси ҳозиргача 13 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта йиғиб олди.

В. Салов фотолари.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг мурожаати

ВЕНА, 24 сентябрь. (ТАСС). Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Президиуми 24 сентябрда қуйидаги мурожаат текстини эълон қилди:

Жамоатчилик Сувайш каналини бошқариш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган конфликтнинг эҳтимол тутилган оқибатларидан гоят ташвишланмоқда.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши ана шундай ташвишланиш учун асос бор деб ҳисоблайди, чунки конфликтнинг кучайиб кетиши дунёни хавф остида қолдириши мумкин.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши барча манфаатдор ҳукуматларга ва хусусан, ана шу конфликтни тўқинишга айлантириши мумкин бўлган чораларни кўраётган ҳукуматларга мурожаат қилиб, уларни огоҳлантиради. Ана шундай тўқиниш чиқазишга уринаётган кишилар бу тўқинишнинг дунёнинг турли қисмларида уруш ҳаракатларига олиб келажагини, бу уруш ҳаракатлари кенгайиб, чинакам урушга айланиши ва ўн миллионларча кишиларнинг тақдирини хавф остида қолдириши мумкин эканлигини билишлари керак.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши айтадики, барча давлатларга қарашли кемаларнинг сира камситилмай каналдан эркин суратда ўтишини таъминлайдиган ва шу билан бирга Миснинг суверен ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган қарорни музокаралар олиб бориш йўли билангина қабул қилиш мумкин.

Музокаралар яқин ҳафталар ичида ижобий натижаларга олиб келмаса, бу нарса куч ишлатиш учун сира ҳам баҳона бўла олмайди. Аммо бу ҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёрдамига мурожаат қилиш зарурлигини туғдиради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз Устави руҳида ҳаракат қилиб, тинчликка хавф туғдираётган конфликтларни бартараф қилиши лозим.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши барча ҳукуматларга мурожаат қилиб, ана шу конфликтни тинч йўл билан ҳал этиш учун ўз таъсиридан фойдаланишни сўрайди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Президиуми номидан Фредерек Жолио-Кюри.

Париж, 1956 йил 24 сентябрь.

УЧ АРАБ ДАВЛАТИ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТУҒРИСИДА ҚЎШМА БАЁНОТ

ҚОҲИРА, 24 сентябрь. (ТАСС). Қоҳира радиоси билдиради: Уч араб давлати бошлиқлари — Саудия Арабистони короли Сауд, Сурия президенти Шукри Қувватли ва Миср президенти Жамол Абдул Носир кенгашининг натижалари тўғрисидаги қўшма баёнот бугун Эр-Риядда, Дамашқда ва Қоҳирада айни бир вақтда эълон қилинди.

Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: Кенгаш қатнашчилари Сувайш канали тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар ва Сувайш канали проблемаси ҳамда у билан боғлиқ бўлган воқиалар барча араб мамлакатларининг эътиборини жалб этмоқда деган фикрга яқдиллик билан келдилар. Кенгаш Сувайш канали масаласида Миснинг позициясини тўла қўллаб-қувватлаганлигини билдиради. Кенгаш мазкур проблемани тинч ҳал этишга эришиш учун Миснинг тайёр эканлигини қўллаб-қувватлайди. Сувайш канали проблемасини тинч йўл билан ҳал этиш Миснинг миллий манфаатларига жавоб берган бўлур эди ва БМТнинг мақсадларига мувофиқ келур эди.

Кенгаш қатнашчилари Сувайш каналидан фойдаланувчи мамлакатларнинг манфаатлари Сувайш каналининг эгаси Миср билан музокаралар олиб бориш асосида таъминланиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бундай музокаралар БМТ Устави руҳида, Бандунг конференцияси қарорлари руҳида олиб борилиши керак ва ҳеч қандай тазъйиқ кўрсатилмаслиги ёки бир томоннинг ўз ҳоҳишини бошқа томонга мажбуран қабул қилдириш истаги бўлмаслиги керак.

Ахборотда кенгаш «араб мамлакатларининг бузилмас бирдамлиги» руҳида ўтганлиги таъкидланади.

Миср ҳукуматининг Хавфсизлик Кенгашига мурожаати

Нью-ЙОРК, 25 сентябрь. (ТАСС). Миснинг БМТдаги делегацияси 24 сентябрда Хавфсизлик Кенгашининг раисига мактуб билан мурожаат қилди. Бу мактубда «Баъзи давлатларнинг, айниқса Франция ва Англиянинг Миср ва қарши қилаётган ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликка таҳдид туғдириб, БМТ Уставини жиддий суратда бузишдан иборат бўлган ҳаракатлари» тўғрисидаги масалани қараб чиқиш учун Хавфсизлик Кенташининг шошилинч мажлисини чақириш илтимос қилинади.

Сувайш масаласи тўғрисида Бирма бош министрининг баёноти

ПАРИЖ, 24 сентябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Рангундан хабар беришича, Бирма бош министри У Ба Све Умум Бирма деҳқонлар ташкилотининг съездида бугун сўзга чиқиб, Бирма Миснинг Сувайш канали компаниясини национализация қилганлигини қўллаб-қувватлайди, деган.

У Ба Све Миснинг суверенитетини эътироф этиш асосида каналда кемаларнинг бемалол қатновини таъминлайдиган халқаро битим тузилишига эришиш зарур, деган.

София Болгария ёшларининг вакилларини кутиб олмоқда

СОФИЯ, 23 сентябрь. (ТАСС). Кўриқ ерларда ҳосил ўрим-йиғимида қатнашган болгар ёшларининг бир группаси бугун Совет Иттифоқидан Софияга келди. Болгария пойтахтининг минг-минглаб йигит ва қизлари ўз дўстларини кутиб олиш учун вокзал олдидаги майдонга тўпландилар. Пойтахтдаги корхоналардан бирининг илғор ишчиси Ради Кузманов Совет Иттифоқидан қайтган ёшларни самимий табриклади. Қозоғистон ССРнинг энг яхши комбайнчиси деган ном берилган Стефан Иванов жавоб нутқи сўзлади. У, Сибирь ва Қозоғистондаги даштларда кўриқ ерларни ўзлаштираётган қатнашчилар номидан Совет деҳқонларининг тинчликни мустаҳкамлашда ва социализм қурилишида эришган муваффақиятларининг чехословак халқи томонидан эътироф этилиши деб биламан. Бу мукофот шу билан бирга ҳозирги вақтда халқлар ўртасидаги қардошларга муносабатларнинг далили ҳамдир.



Болгария Халқ Республикаси. Суратда: Софиядаги Сталин номли ТЭЦ биносининг кўриниши.

Болгария телеграф агентлигининг фотоси.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИ

ПРАГА, 24 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия Миллат мажлисининг сессияси бугун ўз ишини тамомлади.

Сессия Миллат мажлиси президиумининг фаолиятини ва унинг қабул қилган қарорларини маъқуллади.

Миллат мажлиси иш ҳафтасини 48 соатдан 46 соатгача қисқартириш тўғрисида қонун, олий ўқув юртлари тўғрисида қонун қабул қилди, шунингдек граждан авиацияси тўғрисида қонун проектини тасдиқлади.

Сессияда Югославия парламент делегациясининг аъзолари меҳмон сифатида қатнашдилар.

ГДР президенти В. Пик чехословак ордени билан мукофотланди

БЕРЛИН, 24 сентябрь. (ТАСС). АДН агентлигининг хабар беришича, Чехословакиянинг ГДР даги элчиси Чехословакия Республикасининг президенти номидан Германия Демократик Республикаси президенти В. Пикка биринчи даражали «Оқ шер» орденини топширган. В. Пик чехословак ва немис халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишидаги катта хизматлари учун шу орден билан мукофотланган эди.

Президент В. Пик орденни қабул қилар экан, бундай деди:

Мен бу фахрли мукофотни ГДР меҳнаткашларининг тинчликни мустаҳкамлашда ва социализм қурилишида эришган муваффақиятларининг чехословак халқи томонидан эътироф этилиши деб биламан. Бу мукофот шу билан бирга ҳозирги вақтда халқлар ўртасидаги қардошларга муносабатларнинг далили ҳамдир.

Ҳиндистон туристлари Москвада

Ҳиндистон туристларининг биринчи группаси 24 сентябрда рейс самолёти билан Кобилдан Москвага келди. Улар пойтахтдаги диққатга сазовор жойлар билан ва тарихий ёдгорликлар билан танишадилар ҳамда шу ойнинг охирида Ленинградга жўнайдилар. Группа октябрь ойининг бошларида Москвага қайтиб келганидан кейин Тошкентга борали ва Тошкентдан ўз ватанига жўнаб кетади.

Яқин кунларда Ҳиндистон туристларининг яна икки группасининг Москвага келиши кутилади. (ТАСС).

НОВИ-САД ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЯРМАРКАСИ — ВИСТАВКАСИ ЁПИЛДИ

БЕЛГРАД, 24 сентябрь. (ТАСС). «Борба» газетаси Нови-Сад шаҳридаги халқаро қишлоқ хўжалик ярмаркаси-виставкасининг ёпилганлигини хабар қилади. Ярмарка-виставкада Югославиянинг ва чет элларнинг 1.250 фирмалари ва ташкилотлари қатнашган.

СССР шахматчилар командаси — жаҳон чемпиони

Совет шахматчилар командаси яна сурункасига уч марта жаҳон чемпиони номини олди. Совет шахматчилари олтин кубокни сақлаб қолдилар ва янги олтин медалларни ютдилар.

24 сентябрда ўн иккинчи шахмат олимпиадасида сўнгги тур ўтказилди. Охирги матч олдидан СССР шахматчилари ўзларининг энг яқин рақибларидан тўрт очко кўпроқ ютиб, биринчи ўринни олишни таъминлаган эдилар.

Охирги ўйин олдиндан ўтказилган ўнинчи турда СССР командаси Югославия шахматчилари устидан 2,5:1,5 ҳисобида галаба қилди, (Ботвинник Глигорични ютди ва қолган уч ўйин дуранг бўлди). СССР командаси мусобақанинг охирги кунигача 28,5 очкога эга бўлди, бу командадан кейинда борган Венгрия ва Югославия командалари 24,5 талан очкога эга эдилар.

Совет Иттифоқи командаси сўнгги турда Руминия шахматчилари билан учрашди. Соат 19 гача биринчи тахтадаги партия — Чокилтя — Смислов партияси дуранг билан тамом бўлди. Шундан кейин СССР командаси 29 очкога эга бўлди. Бу команда қолган матчларнинг қандай натижа билан тамом бўлишидан қатъий назар ўз рақиблари етолмайдиган даражага эришди.

24 сентябрда Венгрия ва Югославия командалари ўртасидаги матч гоят мароқли ўтди. Бу матчда шундан кейинги ўринларнинг тақдири ҳал этилар эди. Дастлабки соатларда шу учрашувдаги кескин кураш натижа бермади.

25 сентябрда тамомланмай қолган партиялар ўйналади. Шундан кейин турнирнинг узил-кесил якунлари аниқланади. Кечқурун Совет Армияси Марказий театрида XII шахмат олимпиадаси тантанали суратда ёпилади. (ТАСС).

Тошкентда

Индонезия қишлоқ хўжалик ишчилари делегациясининг Тошкентда бўлиши

Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи марказий комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Индонезия қишлоқ хўжалик ишчилари делегацияси 25 сентябрда Тошкентга келди. Делегацияга Индонезия плантация ишчилари касаба союзининг секретари Хорун Рашид бошчилик қилади.

Делегация составида Ғарбий Ява районидаги плантация ишчилари касаба союзининг раҳбари Самаверия, плантация ишчилари касаба союзининг аъзоси, Шарқий Явадаги плантацияларнинг директори Сукартомо, Индонезия қанд саноати ишчилари касаба союзининг вакили Сумарди, Индонезия ўрмончилик саноати ишчилари касаба союзининг секретари Хадивиёто бор.

Аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон касаба союзлари Совети, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи Республика комитетининг масъул ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

Индонезия делегациясининг аъзолари Тошкентга келган куни Зайнуддинбува мачитида, Сталин номидаги маданият ва истироҳат паркида бўлдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Кечқурун индонезиялик меҳмонлар Муқимий номидаги ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрида «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклини кўрдилар. (ЎзТАГ).

Англия тўқимачилари Узбекистондан жўнаб кетди

СССР да расмий визит билан меҳмон бўлиб турган Буюк Британия тўқимачилари Бирлашган ассоциацияси делегацияси бугун Узбекистон пойтахтидан Сочига жўнаб кетди. Делегацияга ассоциация президенти Гарольд Брэдли ва ассоциациянинг бош секретари, Британия тред-юнионлари конгресси Бош кенгашининг аъзоси Люис Т. Райт бошчилик қилади.

Англиялик меҳмонлар — тўқимачилар, ип ўровчилар, ип йиғирувчилар, касаба союз арбоблари ўзбек халқининг ҳаёти билан, тўқимачиларнинг меҳнати ва жамоат фаолияти билан тўрт кун давомида танишдилар. Улар пахтакор колхозда бўлдилар, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов билан суҳбатлашдилар, Давлат халқ кутубхонасини, Узбекистон санъат музейини бориб кўрдилар, Навоий номидаги Узбек давлат опера ва балет театрида, спектаклни томоша қилдилар.

Англиялик тўқимачиларни уларнинг ўзбек коллеглари самимий кутиб олдилар. Меҳмонлар Совет Иттифоқи енгил саноатининг энг катта корхоналаридан бири бўлган Тошкент тўқимачилик комбинатида бир кун бўлдилар. Улар бу ерда ишчилар билан ва инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашдилар, уларнинг меҳнат шароити билан қизиқдилар. (ЎзТАГ).

ТЕАТРЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА — Алишер Навоий номли опера ва балет театрининг спектакллари — 27/IX да **Севилья сартароши**, 28/IX да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Ҳақиқат йўли**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва 11 яримда **Оқ бароқ**, кундуз соат 1 дан **Паром**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 8 гача **Паром**, кеч соат 10 да **Ўн иккинчи тун**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ХИВА», «УДАРНИК» — **Паром**.
«ИСКРА» — **Қалбаки танга**.
«ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Қалбаки танга**, кеч соат 10 да **Момақалдироқ сўқмоғидан**.

Чирчиқ шаҳар, инженерний переулок, 5-уйда турувчи **Тўхтамурод Муҳаммаджонович Орифжоновнинг** Тошкент шаҳар, Каттабоғ кўча, Келес проезд, 16-уйда турувчи **Нафиса Акбаровадан** ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 5-участка халқ судида кўрилади.

Октябрь районидаги 9-амбулаториянинг врачи Р. Ёқубова беморларга яхши муносабатда бўлади, уларнинг соғлиқлари тўғрисидаги шикоятларини диққат билан тинглаб, тез соғайиб кетишлари тўғрисида қайғиради. **Суратда:** врач ўртоқ **Ёқубова** беморнинг сўзини тингламоқда.

Р. Алибеков фотоси.

ГУЛ БАЙРАМИ

Ўтган дам олиш куни Максим Горький номидаги шаҳар болалар парки пионер ва ўқувчилар билан жуда гавжум бўлди. Улар бу ерга Гул байрамига қатнашиш учун йиғилган эдилар. Паркнинг марказий йўлкаси... Ранг-баранг гуллар йўлкага ўзгача ҳуснбахш этган.

Буларни республика ёш натуралистлар станцияси аъзолари ўстирган... Жуда кўп қиз ва ўғил болалар бугун гул либосига ўралиб олишган. Ёш натуралистлар станциясида турли хил гуллар ўстирилади. Ҳозир бу ерда астра, георгина, канна, имортелли, цилозия сингари серҳид гуллар ҳам бор. Шу хилдаги гуллардан йўлка ёқасида «Гул викторинаси» ташкил этилган. Гуллар тўғрисида ёзилган китобларни ҳам шу ерлан топасиз...

Гул карнавалига кўп бола қатнашмоқда. Ёш дўстлар бир-бирларига гулдасталар тақдим этаётирлар.

Ҳамманинг эътибори «15 пойтахт ва Совет Иттифоқи гуллари» деган ўйинга қаратилган. Бу дўстлик давраси гул билан ўйинга тушиш қандай гўзал ва ёқимли...

Паркнинг турли ерида мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг аъзолари томонидан берилаётган концертларнинг программаси бой ва қизиқарли. ...Кечга яқин Гул байрами қатнашчиларининг тантанали кечаси бошланди. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчилари виставка медаллари билан мукофотланмоқдалар. Булар орасида иккинчи марта медаль билан мукофотланаётган Галина Антонова, Қўчқор Насриддинов, Турғун Валиев каби ёш натуралистларни кўриш мумкин.

...Ёш қалблар севинч билан тўла... Шўх ва ёқимли музика садолари танца ҳамда ўйинларга чорлайди... Тошкентда учинчи марта ўтказилган Гул байрамига Сталин, Островский номли пионерлар саройидаги тўгаракларнинг аъзолари, шунингдек, Киров, Фрунзе район мактабларининг ёш мичуринчилари ҳам иштирок этди.

Ёш қурувчилар ишлаб чиқариш практикасида

Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигига қарашли Тошкент индустриал техникуми қурилиш бўлимининг IV курс студентлари 1955/56 ўқув йили давомида олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқариш практикасини экскаватор заводида ва заводга қарашли 40-қурилиш участкасида ўтказмоқдалар. Улар заводнинг янги цехини қуришда асбоб-ускуналарни ўрнатишда актив иштирок этмоқдалар. Студентлардан Низомиддинов, Мухсимов, Миржалолов, Назарметов ва бошқалар бетон қориш машинасида ишлаётирлар.

Бўлажак қурувчилар назарий билимларини амалий ишда мустаҳкамламоқдалар.

Темирйўлчи-рассомлар

Тошкентдаги темир йўлчилар маданият саройининг хоналаридан бири ҳар хил расмлар билан безатилган. Хонада стулларда ўтириб, расм солаётган кишиларни кўплаб кўриш мумкин. Бу — ёш рассомлар бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг машғулотлари ўтказиладиган хонадир.

Ҳар хил мутахассисли 20 дан ортиқ ишчи, хизматчи ва студентлар ишдан ва ўқишдан сўнг бўш вақтларида ҳафтада 3 марта маданият саройига келиб, ўзларининг севимли машғулотлари бўлган расм солиш ва тасвирий санъат билан шуғулланадилар. Тўгаракка рассом Г. Ткачев раҳбарлик қилади.

Яқинда маданият саройи биносида рассомлар асарларининг виставкаси очилди. Виставкада юздан ортиқ расмлар, тасвирий этюдлар намойиш қилинган. Айниқса, Тошкент болалар уйининг ходими П. Акимов, «Подъёмник» заводининг ходими А. Шаталов ва Ўрта Осиё Давлат университетининг студенти О. Матасова ва бошқаларнинг асарлари томошабинлар диққатини ўзига жалб қилмоқда.

Қурувчи инженер Е. Гороховский тўгарак ташкил этилган кундан бошлаб машғулотларга мунтазам қатнашиб келаётир. Бу рассом қисқа вақт ичида кўп асарлар яратди. Натюрморт Гороховскийнинг севган жанри ҳисобланади. Виставкага унинг «Қулупнай», «Лимонлар», «Гуллар» ва бошқа асарлари қўйилган.

Н. Акимов ижодида портрет ва бадиий асарлар жатта ўринни эгаллайди. Унинг «Чол портрети», «Хотин портрети» каби асарлари бунинг яққол далилидир. Ёш рассомнинг тасвирий композицияларидан бири бўлган «Қўриқ ерларда» асари диққатга сазовордир.

Тўгарак аъзоси П. Перевертайло манзараларни тасвирлашга қизиқади. Унинг бир нечта этюдлари виставкада муносиб ўрин олган. «Паранжининг ташланиши» этюди ёш рассомнинг муваффақиятли чиққан асарларидан биридир.

Бундан ташқари А. Пой, Л. Нечаев каби студентлар ҳам тўгарак машғулотларига қатнашиб, яхши асарлар яратаётирлар.

Виставкада намойиш қилинган асарлар темир йўлчилар маданият саройида ёш рассомлар билан ишлаш ва улар орасидан талантли санъаткорларни етиштириб чиқаришга катта эътибор берилаётганлигини кўрсатади.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

1951 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёми

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗ ҚИЙМАТИНИ ТЎЛАШ 1-ТИРАЖИНИНГ

СПРАВКА ЖАДВАЛИ

Заём шартларига мувофиқ, бу тиражда чиққан облигацияларнинг ўз қиймати 1957 йил 1 октябрдан бошлаб тўланади.

Облигацияларнинг ўз қийматини тўлаш тиражига заёмнинг ҳар бир разрядида қуйидаги сериялардаги облигацияларнинг ҳамма 50 номери (№01 дан №50 гача) чиқ ди:

Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари	Серия номерлари
100103	102436	104156	106218	107741	109485	110824	112644	114135	115539	116967	118392
100155	102466	104241	106245	107787	109559	110879	112671	114142	115557	117061	118431
100175	102571	104265	106247	107827	109571	110946	112742	114171	115633	117101	118487
100217	102594	104320	106257	107836	109573	111062	112752	114210	115643	117141	118500
100373	102600	104360	106331	108000	109592	111139	112803	114253	115674	117195	118505
100488	102670	104413	106377	108027	109620	111354	112856	114257	115710	117256	118553
100700	102772	104454	106458	108068	109622	111369	112899	114287	115714	117315	118731
100706	102781	104476	106476	108085	109643	111401	112905	114369	115733	117328	118739
100725	102853	104510	106505	108146	109689	111417	112927	114421	115766	117349	118750
100798	102916	104524	106524	108167	109719	111437	112953	114438	115782	117354	118898
100871	102926	104574	106598	108223	109754	111454	112984	114444	115785	117369	118953
100887	102934	104796	106599	108274	109778	111495	113035	114485	115797	117381	118972
100930	102943	104819	106642	108366	109799	111547	113058	114624	115801	117468	119150
100990	103008	104906	106652	108413	109837	111571	113086	114625	115883	117479	119166
101027	103009	105011	106679	108443	109892	111601	113102	114630	115885	117576	119170
101126	103029	105047	106686	108482	109896	111623	113142	114674	115920	117600	119247
101182	103044	105093	106746	108493	109900	111673	113185	114730	115927	117634	119262
101205	103052	105131	106753	108518	109918	111695	113201	114756	116008	117684	119309
101295	103095	105149	106754	108557	110117	111702	113214	114792	116010	117718	119395
101309	103128	105159	106984	108572	110147	111713	113221	114869	116018	117773	119413
101315	103135	105255	107016	108575	110163	111763	113317	114871	116104	117778	119432
101366	103196	105309	107019	108576	110195	111863	113319	114992	116124	117783	119444
101393	103257	105316	107044	108621	110205	111945	113326	115028	116135	117814	119445
101444	103306	105345	107121	108690	110213	111960	113351	115043	116260	117840	119518
101492	103316	105357	107214	108703	110238	112049	113354	115068	116299	117888	119523
101497	103340	105358	107227	108737	110289	112067	113376	115101	116326	117921	119535
101557	103478	105446	107232	108814	110315	112190	113406	115113	116425	117968	119542
101671	103495	105497	107237	108816	110323	112194	113418	115114	116445	118024	119607
101685	103534	105532	107242	108850	110376	112297	113475	115151	116447	118093	119677
101772	103572	105555	107246	108879	110392	112304	113490	115172	116452	118105	119688
101809	103609	105580	107313	108933	110414	112323	113576	115225	116480	118116	119710
101923	103642	105662	107327	109040	110470	112376	113599	115235	116504	118128	119726
101939	103698	105812	107346	109049	110499	112431	113771	115264	116532	118143	119743
101956	103735	105829	107509	109075	110504	112432	113820	115271	116541	118194	119773
101991	103820	105874	107548	109098	110583	112446	113821	115293	116558	118221	119799
101992	103847	105996	107552	109110	110586	112455	113838	115328	116566	118257	119821
102043	103879	106107	107602	109144	110744	112463	113928	115425	116721	118259	119910
102089	103957	106115	107657	109156	110755	112489	113942	115430	116796	118270	119926
102301	103988	106148	107676	109209	110770	112501	114022	115437	116826	118276	119930
102305	104017	106199	107693	109211	110772	112505	114055	115443	116839	118288	119942
102307	104095	106213	107724	109394	110783	112524	114072	115506	116935	118306	119975
102420	104152	106217	107740	109481	110788	112610	114117				

Облигацияларнинг ўз қийматини тўлаш тиражини ўтказувчи Комиссиянинг раиси — Озарбайжон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. И. СУЛТАНОВА.
Комиссиянинг масъул секретари М. А. СМИРНОВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 08912. «Қизил Ўзбекистон», «Правда», Востока» ва Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1530.